



## ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Йил „ 22 “ И Ю Н Ъ

№ 123-Қ

**«Узгазузатиш» Давлат бирлашмаси  
Зирабулок газ қувурлари тармок  
ишлаб чиқариш бошқармасига  
«Муборак-Галлаорол-Янгиер» газ  
қувурининг туртинчи тармогини  
лойихалаш ва қуриш учун ер  
ажратиш тугрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Ер тугрисида»ги Қонунининг 12 моддасига асосланиб, «Узгазузатиш» Давлат бирлашмаси Зирабулок газ қувурини ишлаб чиқариш бошқармасига «Муборак-Галлаорол-Янгиер» газ қувурини туртинчи тармогини лойихалаш ҳамда қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тугрисида қуйидаги туман ҳокимларининг қабул қилган қарорларини қуриб чиқиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Иштихон, Каттакургон, Нарпай, Нуробод, Пайарик, Пахтачи туман ҳокимларининг «Муборак-Галлаорол-Янгиер» газ қувурини туртинчи тармогини лойихалаш ҳамда қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тугрисидаги қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш вилоят ер муносабатларини тартибга солиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш бошқармаси (Ш.Ахмедов)га топширилсин.

Вилоят ҳокими

А.Мардиев